# Фаоллият фаолликни талаб этади

Хоҳ таълим муассасасида бўлсин, хоҳ жамоа ташкилотлари, меҳнат корхоналарида бўлсин, ўзининг ҳаракати ва шижоати билан ажралиб турадиган фидойилари бўлади. Улар ўз ғайратиу ва интеллектуал салоҳияти билан кўпчиликка ибрат бўла олади. Худди шу маънода, Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги қошида ъъКелажак лидерлари клубиъъ ташкил этилган эди.

Клуб аъзолигига 4 босқичли танлов асосида номзодлар танлаб олинди. Куни кеча танлов якунланди. Ана шу танловнинг ғолиби сифатида “Ердан фойдаланиш кафедраси” докторанти Мухаммадбек Махсудов билан фахрлансак арзийди. Омад ёр бўлсин, Мухаммадбек.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**